

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРДИЕВ МАШРАБ РУСТАМОВИЧ

**СУРУНКАЛИ НУР КАСАЛЛИГИДА ТАЛОҚ МОРФОМЕТРИК
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ ВА ПОСТНАТАЛ
ОНТОГЕНЕЗДА БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Турдиев Машраб Рустамович

Сурункали нур касаллигида талоқ морфометрик кўрсаткичларининг қиёсий тавсифи ва постнатал онтогенезда биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари 5

Турдиев Машраб Рустамович

Сравнительная характеристика морфометрических параметров селезенки при хронической лучевой болезни и коррекция биостимулятором в постнатальном онтогенезе 21

Turdiyev Mashrab Rustamovich

Comparative characteristics of morphometric parameters of the spleen in chronic radiation sickness and correction with biostimulator in postnatal ontogenesis 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works 43

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРДИЕВ МАШРАБ РУСТАМОВИЧ

**СУРУНКАЛИ НУР КАСАЛЛИГИДА ТАЛОҚ МОРФОМЕТРИК
КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАВСИФИ ВА ПОСТНАТАЛ
ОНТОГЕНЕЗДА БИОСТИМУЛЯТОР ТАЪСИРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ**

14.00.02 – Морфология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ
АВТОРФЕРАТИ**

БУХОРО – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2.PhD/Tib1132_рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталининг www.ziyo.net манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тешаев Шухрат Жумаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Удочкина Лариса Альбертовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Павел Йозеф Шафарик Университети
(Словакия)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «28» декабр куни соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (013 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50).

Диссертация автореферати 2020 йил «16» декабр куни тарқатилди.
(2020 йил «16» декабр даги 27 рақамли реестр баённомаси)



А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Д.Н. Ачилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Тирик организмнинг ҳимоясини иммун тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон ва ҳайвонларда иммун тизими организмнинг турли хил патоген омиллар таъсирига мослашувчанлиги ва ҳимоясини таъминлайди. Сўнгги йилларда дунёда иммун тизимининг зарарланиши билан боғлиқ касалликлар кўпайиб бормоқда, «...ҳозирги вақтда организмнинг иммун реактивлик даражаси, шубҳасиз, кўпгина касалликларнинг кечиши ва оқибатини белгилаб беради. Замонавий жамият саломатлигининг ҳолати иммун реактивликнинг пасайиши, натижада, ўткир ва сурункали касалликларнинг кўпайиши билан тавсифланади...»¹. Ушбу касалликларни келиб чиқиши ва ривожланишида радиация алоҳида ўрин эгаллайди. «...иммун тизимнинг юқори радиосезгирлиги, шунингдек даврий барқарорлик ва иммунитетдаги радиациядан кейинги қайтмас ўзгаришлар, нурланишнинг узок муддатли асоратларининг ривожланишига ёрдам беради, уларнинг асосий клиник кўриниши иммун танқисликнинг турли шакллари ҳисобланади ...»². Шунга қарамасдан, углеводородлар, радиоактив моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш кундан кунга ортиб бормоқда, «...атом энергетикасининг ривожланиши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва фанда ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан кенг фойдаланиш, уларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасига жорий етилиши, тиббиётда ионлаштирувчи нурланишнинг турли манбаларидан фойдаланиш - буларнинг барчаси маълум даражада инсонларга радиацион таъсир кўрсатиш даражасини оширади...»³.

Жаҳонда сурункали нур касаллиги ва биостимулятор таъсирида талоқ морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг ўзгаришларини баҳолашга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада оқ зотсиз каламушлар талоғининг постнатал онтогенезда ёшга боғлиқ меъёрий, сурункали нур касаллиги ва биостимулятор таъсиридаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини асослаш, сурункали нур касаллигида талоқ лимфоид тузилмалари морфометрик кўрсаткичларини соғлом лаборатория ҳайвонлари кўрсаткичлари билан қиёслаш, АСД-2Ф биостимуляторини сурункали нур касаллигида қўллаганда уларнинг талоғида юзага келадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларни ўрганиш талаб этилади. Меъёрий, сурункали нур касаллиги ва биостимулятор таъсирида талоқ органометрик кўрсаткичлари ўзгаришининг ёшга боғлиқ динамикадаги ўзига хосликлари, сурункали нур касаллигида ва АСД-2Ф биостимуляторини турли вариантларда

¹Бибик Е.Ю., Брест А.Ю. Современные представления о морфогенезе первичного лимфоидного органа // Украинський морфологічний альманах, – 2011, – Том 9, – № 3. – С.43-46.

²Узбеков Д.Е. и соавт. Влияние радиационного излучения на иммунную систему (обзор литературы) // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. – № 8-4. – С. 538-541.

³Цой Р.Т., Туруспекова С.Т., Цой О.В. Современный взгляд на вопрос о влиянии природного радиационного фона на когнитивные функции человека. // Медицина. – 2018. – № 2 (188). – С. 39-45.

қўллаганда, зотсиз оқ каламушлар талоғи тузилишининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини таққослаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, табиий ва техник манбалардан ҳосил бўлувчи радиацион нурланишлар таъсирида ривожланадиган иммун танқислик белгилари билан кечувчи касалликларни камайтиришга қаратилган бир қатор вазифалар белгиланган, бунда «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ долзарб вазифалардир. Ушбу вазифаларнинг амалга оширилиши сурункали нурланиш таъсирида талоқнинг зарарланиши билан боғлиқ организмда ривожланадиган иммунопатологик ҳолатларни камайтириш, ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали иммун танқислик билан кечувчи касалликлар асорати натижасидаги ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида» ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўқима терапиясининг назарий асослари 1905 йилда академик М.П.Тушнов томонидан яратилган. Тўқимали терапиянинг асоси ҳисобланган биологик фаол моддалар В.П.Филатов томонидан биоген стимуляторлар деб номланган (Базанов Г.А. ва ҳаммуал. 2015).

Кўпгина тадқиқотларда турли хил биостимуляторларнинг организмга таъсири ўрганилган: Янтар кислотаси организмни стрессга бўлган мослашувчанлигини оширади ва пасайган иммун реактивлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида қўлланилган (Романцов М.Г., 2001). “Янтар

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони www.lex.uz

биостимулятори” препарати ҳайвонлар организмидаги метаболик жараёнларни нормаллаштирган, табиий резистентлигини оширган, иммун жавобни кучайтирган (Щвец О.М., 2008). Мексидол липидлар перекис оксидланиш жараёнларини ингибирлаган, ферментларнинг антиоксидант фаоллигини оширган, гипополидемик таъсирга эга бўлган (Румянцева С.А. ва ҳаммуал. 2002). Д5 бионормализатори периферик қоннинг асосий клиник кўрсаткичларига таъсир қилмаган, аммо юборилиш усули ва миқдорига боғлиқ ҳолда яллиғланишга қарши, аналгетик таъсирга эга бўлган (Бондаренко О.Б., 2010). 10,0 ва 20,0 мл миқдорда қўлланилган биоге́н стимуляторлар тўнғизларда сперматозоидларнинг сифати ва миқдорини яхшилаган, шунингдек, уруғлантириш фаоллигини оширган (Нарижный А.Г. ва ҳаммуал. 2012)

Мавжуд тўқима терапияси препаратлари ичида АСД биостимулятори муҳим ўрин эгаллайди. Тақиқотларда АСД-2Ф препаратининг кимёвий таркиби (Абдрахманов В. И. ва ҳаммуал. 2019), сифат кўрсаткичлари (Абрамов В.Е. ва ҳаммуал. 2010], токсикологик хусусиятлари (Енгашев С.В. ва ҳаммуал. 2017), ичак таёқчаси, сальмонелла, пастереллага таъсири ва овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликларини олдини олишдаги роли (Околелова Т.М. ва ҳаммуал. 2017) ҳайвон ва қушлар учун гепатопротекторлик роли (Подобед Л.И. ва ҳаммуал. 2010, Околелова Т.М. ва ҳаммуал. 2017), сичқонлар буйраги тўқимаси экмалари ўсишининг миқдорий кўрсаткичларига таъсири (Пашенко В.П., 2010) ўрганилган. Олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишларда препаратни ўсма касалликларини даволашда қўлланилиши асослаб берилган (Постоев Н.Б. ва ҳаммуал. 2008, Sai Lakshman Mithun. C. S. V. Ramachandra Rao., 2012).

Ўзбекистонда зарарли омиллар, шу жумладан, пестицид ва радиациянинг турли аъзо ва тизимлар фаолиятига таъсирининг морфолик ўзгаришлари ўрганилган (Закирова Н.Б., 2018; Рахматова М.Х., 2018; Тўхсанова Н.Э., 2019; Ҳасанова Д.А., 2019), бироқ оқ зотсиз каламушлар талоғи морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг постнатал онтогенездаги ёшга боғлиқ сурункали нур касаллиги ва АСД-2Ф биостимулятори таъсиридаги ўзгаришлари баҳоланмаган. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, АСД-2Ф биостимуляторининг иммун тизимига, айниқса, талоқ функциясига таъсири кам ўрганилган. Бундан ташқари, сурункали нур касаллигида лаборатория ҳайвонлари талоғи тузилишининг морфометрик кўрсаткичларининг постнатал онтогенездаги ёшга боғлиқ қиёсий тавсифи ва АСД-2Ф биостимулятори таъсиридаги ўзгаришлари деярли ўрганилмаганлиги тасдиқланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №05.2019PhD 070 «Турли патологиялар морфологик, патогенетик ва тиббий биологик жиҳатларининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оқ зотсиз каламушлар талоғи морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг постнатал онтогенездаги ёшга боғлиқ меъерий, сурункали нур касаллиги ва АСД-2Ф биостимулятори таъсиридаги ўзгаришларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оқ каламушлар талоғининг постнатал онтогенездаги меъерий морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш;

оқ каламушлар талоғининг сурункали нур касаллигидаги ёшга боғлиқ морфологик ва морфометрик ўзгаришларини соғлом каламушлар кўрсаткичлари билан қиёслаш;

АСД-2Ф биостимуляторини сурункали нур касаллигида қўллаганда оқ каламушлар талоғида юзага келадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришларини аниқлаш;

сурункали нур касаллигида ва АСД-2Ф биостимуляторини турли вариантларда қўллаганда, оқ каламушлар талоғи тузилишининг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини қиёслаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида янги туғилган, 3, 6, 9, 12 ойлик 172 та оқ зотсиз эркак каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажриба остидаги оқ каламушлар талоғи ва унинг юқори, ўрта ва пастки қисмларидан олинган гистологик материаллар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тажрибавий, гистологик, морфологик, морфометрик, шунингдек, статистик усуллардан фойдаланилган

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

сурункали нур касаллиги ва АСД-2Ф биостимулятори таъсирида, туғилгандан, 12 ойлик давргача бўлган оқ каламушлар талоғи лимфоид тузилмаларининг постнатал онтогенездаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини қиёсий таҳлили натижалари асосланган;

нурланишнинг оқ каламушлар талоғи лимфоид тузилмаларига салбий таъсир қилиши, бунинг нурланган каламушлар талоғи оқ пульпаси нисбий майдонининг камайиши билан намоён бўлиши асосланган;

сурункали нурланиш касаллигида талоқ периартериал лимфатик муфтлари, лимфатик тугунлари ва уларнинг кўпайиш марказлари диаметрининг камайиши, 3 ойлик ёшдаги нурланган каламушлар талоғи лимфатик тугунларида кўпайиш марказларининг йўқолиши, 3 ойлик ва 6 ойлик ёшда эса лимфатик тугунларнинг меъерий шаклдан нотўғри шаклга ўзгариши исботланган;

нурланган оқ каламушлар талоғи лимфатик тугунлари мантия, чегара ва периартериал соҳалари кенглигининг, оқ пульпанинг кўпайиш марказига эга бўлмаган лимфатик тугунлари ва периартериал лимфатик муфтларидаги лимфоцитлар умумий сонининг камайиши исботланган;

АСД-2Ф биостимуляторини сурункали нурланиш билан бир вақтда қўллаш, препаратни нурланишдан кейин қўлланилишига нисбатан, талоқнинг функционал фаолиятига самаралироқ таъсир кўрсатиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

оқ каламушлар талоғида сурункали нурланишдан кейин ва АСД-2Ф биостимулятори таъсирида, постнатал онтогенезда ёшга боғлиқ юзага келадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асослаб берилган;

сурункали нур касаллигида ва АСД-2Ф биостимулятори таъсирида оқ каламушлар талоғининг постнатал онтогенездаги структур ўзгаришларини ўрганиш, энг хавфли ёш даврларини аниқлаш имконияти асосланган;

тадқиқотда олинган маълумотлар, сурункали нурланиш таъсирида юзага келадиган иммунопатологик жараёнларнинг ривожланишини эрта босқичларда аниқлаш, олдини олиш ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқишда аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тажрибавий, морфометрик, лаборатор ва статистик текширув усулларидан фойдаланилганлиги, сурункали нур касаллиги ва АСД-2Ф биостимулятори таъсиридаги талоқ оқ пульпаси морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. тадқиқотнинг илмий аҳамияти талоқ лимфоид тузилмаларининг морфологияси ва структур ўзгаришларини ўрганиш натижалари, организмда нурланиш таъсирида юзага келадиган постнатал онтогенездаги иммунопатологик жараёнларнинг мураккаб механизмларини очиб бериши, иммун тизими аъзолари тўғрисидаги назарий билимлар даражасини кенгайтиришга имкон бериши билан изоҳланади.

тадқиқотнинг амалий аҳамияти сурункали нур касаллигида талоқ лимфоид тузилмаларидаги ёшга боғлиқ юзага келадиган ўзгаришларнинг олдини олиш чоралари тартибини ишлаб чиқиш, касаллик вақтида ва асоратлари кузатилганда, самарали даво усуллари сифатини ошириш, сурункали нурланиш таъсирида кузатиладиган иммунопатологик ҳолатларни эрта ташхислаш, АСД-2Ф биостимуляторини қўллаш самарадорлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали нур касаллиги ва АСД-2Ф биостимулятори таъсиридаги ёшга боғлиқ ҳолда оқ каламушлар талоғининг постнатал онтогенездаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Сурункали нур касаллигида ва биостимулятор билан коррекция қилинганда талоқ морфологик ва морфометрик ўзгаришларини аниқлаш усули” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 9 октябрдаги 8н-р/400-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома талоқ лимфоид тузилмаларидаги морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва сурункали нур касаллиги ва унинг асоратларида АСД-2Ф биостимуляторини қўллаш усуллари ҳақида тавсиялар бериш имконини берган;

“Сурункали нур касаллигида ва постнатал онтогенезда талоқ структур ўзгаришларини аниқлаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 ноябрдаги №8 н-р/401-сон хулосаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали нурланиш вақтида талоқдаги структур ўзгаришларни аниқлаш имконини берган;

сурункали нур касаллиги ва АСД-2Ф биостимулятори таъсиридаги ёшга боғлиқ ҳолда оқ каламушлар талоғининг постнатал онтогенездаги морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали амалий фаолиятига, Республика Шошинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрдаги 8н-д/189-сон хулосаси). Натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, сурункали нур касаллигида, ёшга боғлиқ ҳолда талоқнинг постнатал онтогенездаги ўзгаришларини морфологик кўрсаткичлар бўйича аниқлаш, беморларда касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволашнинг патогенетик усуллари ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Талоқ лимфоид тузилмаларининг меъёрий ва турли хил омиллар таъсиридаги морфологик хусусиятлари» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар материаллари таҳлил қилинган. Унда одам ва ҳайвонлар талоғининг тараққий қилиши, анатомик ва гистологик тузилиши ҳамда вазифаларига бағишланган материаллари кенг қамровли тартибда ёритилган. Инсон ва ҳайвонлар айрим

аъзоларининг меъёрий, сурункали нур касаллигида ва АСД-2Ф биостимулятори таъсиридаги ёшга боғлиқ ўзгаришлари ҳақидаги замонавий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали нур касаллиги ва биостимулятор таъсиридаги талоқ морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари батафсил баён этилган. Тадқиқот янги туғилган, 3, 6, 9 ва 12 ойлик даврдаги 172 та оқ зотсиз эркак каламушларда олиб борилган. Ҳайвонлар 4 гуруҳга бўлинган: I гуруҳ - меъёр (n=54); II гуруҳ – 70 кунлик даврдан бошлаб, 20 кун давомида 0,2 Гр (умумий 4,0 Гр) нурланиш қабул қилган каламушлар (n=42); III гуруҳ – 70 кунлик даврдан бошлаб, 20 кун давомида 0,2 Гр (умумий 4,0 Гр) нурланиш ҳамда параллел равишда нурланиш вақтида 0,4 мл дистилланган сувда эритилган 0,1 мл АСД-2Ф препаратини қабул қилган каламушлар (n=44); IV гуруҳ – 70 кунлик даврдан бошлаб, 20 кун давомида 0,2 Гр (умумий 4,0 Гр) нурланиш қабул қилган ва нурланиш яқунланганидан сўнг, 20 кун давомида 0,4 мл дистилланган сувда эритилган 0,1 мл АСД-2Ф препаратини қабул қилган каламушлар (n=32).

АСД-2Ф биостимулятори ҳар куни эритма кўринишида металл зонд ёрдамида ошқозон ичига юборилган. Сурункали нурланиш касаллигини моделлаштириш учун, каламушларни 70 кунлик даврдан 20 кун давомида 0,2 Гр дан (умумий 4,0 Гр) қуввати 25,006 Гр/мин бўлган ДТГТ “АГАТ Р1” аппарати (Эстония) ёрдамида нурлантириш амалга оширилган. Меъёр гуруҳидаги каламушларга 20 кун давомида 0,5 мл ҳажмда дистилланган сув ошқозон ичига металл зонд орқали юборилган.

Ҳайвонлар вазни тарозига тортилган, эфир наркози остида декапитация қилиш орқали тажрибадан чиқарилган. Қорин бўшлиғи очилиб, талоқ ажратиб олинган. Талоқнинг мутлоқ оғирлиги, чизғич ва штангенциркул воситасида унинг узунлиги, кенлиги ва қалинлиги (охирги иккита кўрсаткич аъзо дарвозаси соҳасида) аниқланган. Талоқнинг вазн индекси $V_{ин} = V_{талоқ} * 100 / V_{ҳайвон}$ формуласи ёрдамида ҳисобланган, бунда V - вазн.

Талоқ ва унинг қисмлари 10% ли нейтралланган формалинда 10 кун муддатда фиксация қилиниб, оқар сувда 2-4 соат ювилгандан сўнг, концентрацияси ошиб борувчи спиртлар ва хлороформда сувсизлантирилган, умумий қабул қилинган усулларга мувофиқ парафин блоклар тайёрланган. Парафин блоклар 5-8 мкм қалинликда кесилиб, гематоксилин – эозин ва Ван Гизон усулларида бўялган. Талоқ препарати структур тузилмалари окуляр-микрометр ёрдамида морфометрик текширилган. Талоқ периартериал лимфатик муфталари, лимфатик тугунлар ва уларнинг кўпайиш марказларининг диаметри, лимфатик тугунларнинг мантия, чегара ва периартериал соҳалари кенлиги, оқ пульпа ва бириктирувчи тўқима элементларининг нисбий майдони (кесма умумий майдонига нисбатан) ўлчанган. Ўлчовлар ҳар бир гистологик кесманинг бешта кўриш майдонида амалга оширилган. Кўриш майдонлари тасодифий равишда танланган.

Талоқ лимфоид тузилмаларининг цитоархитектоникасини ўрганиш мақсадида, NOVEL Model NLCD-307 (Хитой) микроскопи ёрдамида, 10x100

катталаштирилган ҳолда, мойли иммерсия остида, ҳужайраларнинг сони саналган. Ҳужайраларнинг сонини санаш микроскоп окулярига ўрнатилган морфометрик сетка ёрдамида амалга оширилган. Кесма майдони бирлигида кўпайиш марказига эга бўлмаган лимфатик тугунчалар, периартериал лимфатик муфталардаги лимфоцитларнинг умумий сони аниқланган.


Тадқиқот давомида олинган гисто- ва цитоморфометрик маълумотларга математик ишлов бериш Pentium–IV персонал компьютерининг Microsoft Office «Excel 7,0» амалий дастур пакети орқали бевосита амалга оширилган.

Тадқиқот маълумотларини статистик қайта ишлаш Стрелков (1986) жадвалидан фойдаланилган ҳолда, вариацион параметрик статистик усуллар ёрдамида амалга оширилган. Таққосланган қийматлардаги фарқларнинг аҳамияти Стьюдент t-мезони ёрдамида баҳоланган. Фарқлар $p \leq 0,05$ қийматларда статистик аҳамиятга эга деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Шахсий текшириш натижалари**» деб номланган учинчи боби тадқиқотда олинган натижаларга бағишланган. **Соғлом каламушлар талоғи ва унинг лимфоид тузилмаларининг ёшга боғлиқ қиёсий морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари.** Янги туғилган соғлом оқ каламушлар танаси ва талоқ мутлоқ вазнининг энг юқори ўсиш суръати 3 ойлик даврда учраб, мос ҳолда 22,04 ва 16,25 марта, энг кам эса 12 ойлик даврда учраб, мос ҳолда 1,1 ва 1,05 марта ошиши кузатилган. Талоқ узунлиги, кенглиги ва қалинлигининг ўсиш суръати 3 ойлик даврда энг юқори бўлиб, мос ҳолда 272,0%, 180,2% ва 143,3% ни, 12 ойлик даврда эса энг кам бўлиб, мос ҳолда 6,89%, 0,61% ва 0,62% ни ташкил қилган. Янги туғилган оқ каламушларда талоқ оқ пульпаси нисбий майдони $17,16 \pm 0,64\%$ бўлиб, кейинги даврларда кўпайиб борган ва 6 ойлик даврда энг юқори $22,2 \pm 0,59\%$, 6 ойлик даврдан кейин камайиб борган ва 12 ойлик даврда $18,54 \pm 0,98\%$ қийматга эга бўлган (1-расм).

ПАЛМ диаметри янги туғилган оқ каламушларда $100,2 \pm 2,05$ мкм бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг энг юқори ўсиш қиймати 9 ойлик даврда ($137,72 \pm 0,93$ мкм) кузатилган. 12 ойлик даврга келиб эса, маълум даражада камайган ва $136,56 \pm 1,23$ мкм ни ташкил қилган. ЛТ лар диаметри 3 ойлик даврда 1,92 марта ошган ва $466,05 \pm 13,27$ мкм ни ташкил қилган. 3 ойлик даврдан кейин аста-секин камайиб бориб, 12 ойлик даврда $407,98 \pm 7,19$ мкм қийматга эга бўлган. Янги туғилган оқ каламушлар талоғи гистологик препаратларида кўпайиш марказлари аниқланмаган, ушбу кўрсаткичнинг энг кўп ўсиш қиймати 3 ойлик даврда ($147,8 \pm 6,73$ мкм), энг кам эса 12 ойлик даврда кузатилган ($120,02 \pm 2,43$ мкм).

Лимфатик тугунчалар мантия, чегара, периартериал соҳалари кенглигининг энг юқори қиймати 6 ойлик даврда учраб, мос ҳолда $46,56 \pm 1,06$ мкм, $80,72 \pm 1,26$ мкм, $89,42 \pm 1,06$ мкм га, 6 ойлик даврдан кейин камайиб бориб, 12 ойлик даврда мос ҳолда $41,32 \pm 1,22$ мкм, $72,52 \pm 0,89$ мкм, $79,98 \pm 1,06$ мкм га тенглиги аниқланган.




1-расм. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги оқ каламушлар талоғи оқ пульпаси нисбий майдонининг ёшга боғлиқ ҳолда ўзгариши (%)

Кўпайиш марказига эга бўлмаган ЛТ лардаги лимфоцитларнинг умумий сони 6 ойлик даврда, ПАЛМ да эса 9 ойлик даврда юқори бўлиб, мос ҳолда $57,2 \pm 0,97$ ва $60,3 \pm 0,83$ та ҳужайрани ташкил қилган. 3 ойлик даврда эса ушбу кўрсаткич энг паст қийматга эга бўлган (мос ҳолда $47,3 \pm 1,01$ ва $47,2 \pm 1,1$ та ҳужайра).

Сурункали нур касаллигида талоқ ва унинг лимфоид тузилмаларининг қиёсий морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари. Сурункали нурланиш таъсиридаги оқ каламушлар талоғининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари натижалари келтирилган. Нурлантирилган оқ каламушлар танаси ва талоқ мутлоқ вазнининг энг юқори ўсиш суръати 3 ойлик даврда учраб, мос ҳолда 20,85 ва 13,44 марта, энг ками эса 12 ойлик даврда учраб, мос ҳолда 1,1 и 1,06 марта ошиши кузатилган. Талоқ узунлиги, кенлиги ва қалинлигининг ўсиш суръати 3 ойлик даврда энг юқори бўлиб, мос ҳолда 247,2%, 164,6% ва 125,0% ни, 12 ойлик даврда эса энг кам бўлиб, мос ҳолда 7,0%, 1,3% и 2,6% ни ташкил қилган. Талоқ оқ пульпаси нисбий майдони 9 ойлик даврда энг юқори ($18,68 \pm 0,58\%$), 3 ойлик даврда энг кам ($14,6 \pm 0,39\%$) қийматга эга бўлган.

ПАЛМ диаметри 3 ойлик даврда $99,35 \pm 0,98$ мкм бўлиб, ушбу кўрсаткичнинг энг юқори қиймати 9 ойлик даврда ($135,12 \pm 1,06$ мкм) кузатилган. 12 ойлик даврга келиб эса камайган ва $134,14 \pm 0,96$ мкм ни ташкил қилган. ЛТ диаметри 6 ойлик даврда энг юқори - $399,87 \pm 6,1\%$, 3 ойлик даврда эса энг кам ($195,81 \pm 8,62\%$) қийматга эга эканлиги аниқланган. Сурункали нур касаллигига чалинган 3 ойлик даврдаги оқ каламушлар талоғи гистологик препаратларида кўпайиш марказлари аниқланмаган, ушбу кўрсаткичнинг энг

кўп қиймати 9 ойлик даврда ($120,56 \pm 2,6$ мкм), энг ками эса 6 ойлик даврда ($106,09 \pm 2,44$ мкм) кузатилган (2-расм).



2 -расм. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги оқ каламушлар талоғи ЛТ лари кўпайиш марказлари диаметрининг ёшга боғлиқ ҳолда ўзгариши (мкм)

Лимфатик тугунчалар мантия, чегара ва периартериал соҳалари кенглигининг энг юқори қиймати 6 ойлик даврда учраб, мос ҳолда $43,64 \pm 0,84$ мкм, $74,81 \pm 0,98$ мкм ва $82,32 \pm 0,84$ мкм га, энг кам қиймати 12 ойлик даврда учраб, мос ҳолда $36,54 \pm 0,87$ мкм, $60,26 \pm 0,96$ мкм ва $59,88 \pm 0,88$ мкм га тенглиги аниқланган.


Кўпайиш марказига эга бўлмаган ЛТ лардаги лимфоцитларнинг умумий сони 6 ойлик даврда, ПАЛМ да эса 9 ойлик даврда юқори бўлиб, мос ҳолда $53,4 \pm 0,83$ ва $57,8 \pm 0,97$ та, 3 ойлик даврда эса энг паст бўлиб, мос ҳолда $35,1 \pm 0,86$ ва $35,2 \pm 0,97$ та ҳужайрани ташкил қилган.

Нурланиш билан бир вақтда 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини қабул қилган оқ каламушлар талоғи ва унинг лимфоид тузилмаларининг қиёсий морфологик ва морфметрик кўрсаткичлари. Нурланиш билан бир вақтда 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини қабул қилган оқ каламушлар танаси ва талоқ мутлоқ вазнининг энг юқори ўсиш суръати 3 ойлик даврда учраб, мос ҳолда 21,8 ва 15,0 марта, энг ками эса 12 ойлик даврда учраб, мос ҳолда 1,1 и 1,05 марта ошиши кузатилган. Талоқ узунлиги, кенглиги ва қалинлигининг ўсиш суръати 3 ойлик даврда энг юқори бўлиб, мос ҳолда 269,4%, 176,4% ва 138,3% ни, 12 ойлик даврда эса энг кам бўлиб, мос ҳолда - 7,0%, 0,8% ва 1,6% ни ташкил қилган. Талоқ оқ пульпаси нисбий майдони 9 ойлик даврда энг юқори ($19,78 \pm 0,43\%$), 3 ойлик даврда энг кам ($17,81 \pm 0,44\%$) қийматга эга бўлган.

Периартериал лимфатик муфта, лимфатик тугунчалар ва кўпайиш марказлари диаметрлари 9 ойлик даврда энг юқори бўлиб, мос ҳолда - $137,46 \pm 1,21\%$, $414,24 \pm 8,91$ мкм ва $126,46 \pm 2,64$ мкм ни, 3 ойлик даврда эса энг

кам бўлиб, мос ҳолда - $111,98 \pm 1,17\%$, $291,28 \pm 9,28$ мкм ва $97,88 \pm 3,27$ мкм ни ташкил қилган.

ЛТ ларнинг мантия, чегара, периартериал соҳалари кенглигининг энг юқори қиймати 6 ойлик даврда учраб, мос ҳолда - $46,12 \pm 0,88$ мкм, $80,16 \pm 1,14$ мкм ва $88,68 \pm 1,06$ мкм, энг кам қиймати эса 12 ойлик даврда учраб, мос ҳолда - $40,46 \pm 1,0$ мкм, $66,5 \pm 1,16$ мкм ва $67,49 \pm 1,22$ мкм га тенг эканлиги аниқланган (3-расм).



3-расм. Сурункали нур кассаллиги таъсиридаги ва нурланиш билан бир вақтда 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф препаратини қабул қилган 6 ойлик даврдаги каламушлар талоғи. Гематоксилин-эозин билан бўялган. Ок. 10 х об. 20. 1- лимфатик тугунча, 2-периартериал соҳа, 3-кўпайиш маркази, 4-мантия соҳаси, 5-маргинал соҳа

Кўпайиш марказига эга бўлмаган ЛТ лардаги лимфоцитларнинг умумий сони 6 ойлик даврда, ПАЛМ да эса 9 ойлик даврда юқори бўлиб, мос ҳолда $57,0 \pm 1,1$ ва $59,6 \pm 1,08$ та хужайрани ташкил қилган. 3 ойлик даврда эса ушбу кўрсаткич энг паст қийматга эга бўлган (мос ҳолда $39,2 \pm 1,08$ ва $39,5 \pm 1,18$ та та хужайра).

Нурланишдан кейин 0,1 мл миқдорда АСД-2ф биостимуляторини қабул қилган оқ каламушлар талоғи ва унинг лимфоид тузилмаларининг қиёсий морфологик ва морфметрик кўрсаткичлари. Нурланишдан кейин 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини қабул қилган оқ каламушлар танаси ва талоқ мутлоқ вазнининг энг юқори ўсиш суръати 6 ойлик даврда учраб, мос ҳолда 42,2 ва 23,43 марта, энг ками эса 12 ойлик даврда учраб, мос ҳолда 1,1 и 1,06 марта ошиши кузатилган. Талоқ узунлиги, кенглиги ва қалинлигининг ўсиш суръати 6 ойлик даврда энг юқори бўлиб, мос ҳолда 338,3%, 193,4% ва 153,3% ни, 9 ойлик даврда эса энг кам бўлиб, мос ҳолда - 7,1%, 0,01% ва 1,9% ни ташкил қилган. Талоқ оқ пульпаси нисбий майдони 9 ойлик даврда энг юқори - $19,1 \pm 0,44\%$, 6 ойлик даврда энг кам - $18,02 \pm 0,62\%$ қийматга эга бўлган.

ПАЛМ ва кўпайиш марказлари диаметрларининг энг юқори қиймати 9 ойлик даврда (мос ҳолда - $136,14 \pm 0,98$ мкм ва $121,85 \pm 2,24$ мкм), энг ками эса 6 ойлик даврда (мос ҳолда - $128,54 \pm 0,93$ мкм ва $112,56 \pm 2,81$ мкм) кузатилган. Лимфатик тугунлар диаметри 6 ойлик даврда энг юқори - $408,05 \pm 7,35\%$, 12 ойлик даврда эса энг кам - $400,36 \pm 6,35\%$ ни ташкил қилган.

ЛТ ларнинг мантия, чегара, периартериал соҳалари кенглигининг энг юқори қиймати 6 ойлик даврда учраб, мос ҳолда - $44,54 \pm 1,01$ мкм, $77,2 \pm 1,21$ мкм ва $84,74 \pm 1,23$ мкм, энг кам қиймати эса 12 ойлик даврда учраб, мос ҳолда - $40,94 \pm 0,96$ мкм, $71,84 \pm 1,12$ мкм ва $78,68 \pm 1,21$ мкм га тенг эканлиги аниқланган.


Кўпайиш марказига эга бўлмаган ЛТ лардаги лимфоцитларнинг умумий сони 6 ойлик даврда, ПАЛМ да эса 9 ойлик даврда юқори бўлиб, мос ҳолда $55,7 \pm 1,18$ ва $58,4 \pm 0,83$ та ҳужайрани, 12 ойлик даврда эса энг паст бўлиб, мос ҳолда $49,6 \pm 1,19$ ва $56,8 \pm 0,86$ та ҳужайрани ташкил қилган.

Тадқиқотда сурункали нур касаллиги ва биостимулятор таъсири билан боғлиқ, янги туғилган вақтидан бошлаб то бир ёшга тўлгунча бўлган муддатда, тажриба ҳайвонлари талогининг морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш бўйича натижалар баёни келтирилган.

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари таҳлилига кўра, радиацион омил таъсирида талоқ узунлиги, кенлиги ва қалинлигининг камайиши организм иммун ҳимояси даражасининг пасайишидан далолат берган. 0,1 мл миқдордаги АСД-2Ф биостимуляторини нурланиш вақтида қўллаганда, бу кўрсаткичларнинг яхшиланиши ва меъёр қийматларига тенглашиши препаратнинг ижобий таъсирини кўрсатган.

Сурункали нур касаллигида аъзонинг иммун фаолиятини намоён қилувчи талоқ оқ пульпаси ва унинг структур тузилмаларида чуқур ўзгаришлар юзага келган. Сурункали нур касаллиги таъсиридаги оқ каламушлар гуруҳида, соғлом оқ каламушлар билан таққосланганда, оқ пульпа нисбий майдонининг энг кўп камайиши уч ойлик даврда ($14,6 \pm 0,39\%$), энг кам камайиши эса тўққиз ойлик даврда ($18,68 \pm 0,58\%$) кузатилган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини нурланиш вақтида қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида, нурланган гуруҳ билан таққосланганда, ушбу кўрсаткич уч ва олти ойлик даврда энг кўп (мос ҳолда 1,22 ва 1,11 марта), қолган даврларда эса 1,03-1,06 марта ошган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф ни нурланишдан кейин қабул қилган гуруҳда эса талоқ оқ пульпаси нисбий майдонининг ошиши сезиларсиз даражада бўлиб, 1,01-1,06 мартани ташкил қилган.

Сурункали нур касаллиги таъсиридаги оқ каламушларда, соғлом оқ каламушлар билан таққосланганда, периартериал лимфатик муфтлар диаметрининг барча даврда 1,02 дан 1,33 марта камайиши аниқланган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини нурланиш билан бир вақтда қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида, нур олган гуруҳ билан таққосланганда, ушбу кўрсаткич 1,02 дан 1,12 мартагача, 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф ни нурланишдан кейин қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида эса 1,01-1,04 марта ортиши кузатилган (4-расм).



4- расм. Назорат ва тажриба гуруҳларидаги оқ каламушлар талоғи оқ пульпаси ПАЛМ диаметрининг ёшга боғлиқ ҳолда ўзгариши (мкм)

0,1 мл миқдорда АСД-2Ф препаратини нурланиш вақтида қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида, сурункали нур касаллиги таъсиридаги оқ каламушлар гуруҳи билан таққослаганда, лимфатик тугунчалар диаметрининг энг юқори ўсиши уч ойлик даврда (1,48 марта), 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф ни нурланишдан кейин қабул қилган гуруҳда эса барча даврда сезиларсиз даражада (1,01-1,02 марта) ошганлиги кузатилган.

Тадқиқотда назорат гуруҳидаги оқ каламушлар ЛТ, асосан, айлана, овал ва чўзинчоқ шаклга эга эканлиги аниқланган. Соғлом оқ каламушлар гуруҳи билан таққослаганда, нурлантирилган уч ойлик даврдаги оқ каламушлар талоғи ЛТ нинг 67,6%и овал, айлана ва чўзинчоқ шаклда, 32,4%и нотўғри шаклда эканлиги аниқланган. Уч ойлик даврдаги, 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини нурланиш билан бир вақтда қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида овал, айлана ва чўзинчоқ шаклдаги ЛТ лар 82,3% ни, нотўғри шаклдаги ЛТ эса, 17,7% ни ташкил қилган. Олти ойлик даврдаги сурункали нур касаллиги таъсиридаги ва 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф препаратини нурланиш вақтида қабул қилган оқ каламушлар гуруҳларида ЛТ шакли меъёрий ҳолатига яқинлашган. Нотўғри шаклдаги ЛТ камайган ва мос ҳолда 8,2% ва 2,4% ни ташкил қилган.

Назорат ва сурункали нур касаллиги таъсирида бўлган оқ каламушлар гуруҳи таққосланганда, нур олган гуруҳнинг уч ойлик даврдаги оқ каламушлар талоғи ЛТ ларида кўпайиш марказлари аниқланмаган. Бу сурункали нурланишнинг ЛТ га ҳалокатли таъсири ва гуморал иммунитетнинг сусайишидан далолат берган. Назорат гуруҳи билан таққосланганда, нурлантирилган гуруҳ оқ каламушлар талоғи ЛТ кўпайиш марказлари диаметри олти ойлик даврда 1,28 марта, қолган даврларда эса 1,03-1,06 мартага камайиши кузатилган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини нурланиш билан бир вақтда қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида, нурлантирилган гуруҳ билан таққосланганда бу кўрсаткич олти ойлик даврда

1,12 марта, қолган даврларда 1,02-1,05 марта ошганлиги аниқланган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф ни нурланишдан кейин қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида эса олти ойлик даврда 1,06 марта, қолган даврларда бир хилда - 1,01 марта ошганлиги кузатилган.

Соғлом оқ каламушлар гуруҳи билан таққосланганда, сурункали нур касаллиги таъсиридаги оқ каламушлар гуруҳида, ЛТ лар мантия соҳасининг кенглиги энг кўп уч ва олти ойлик даврда, мос ҳолда 1,24 ва 1,07 марта, энг кам ўн икки ойлик даврда 1,02 марта камайиши аниқланган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини нурланиш билан бир вақтда қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида, нурлантирилган оқ каламушлар гуруҳи билан таққосланганда, ушбу кўрсаткич уч ойлик даврда 1,11 марта, қолган даврларда эса 1,02-1,06 марта ошиши кузатилган. 0,1 мл миқдордаги АСД-2Ф ни нурланишдан кейин қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида эса талоқ ЛТ мантия соҳаси кенглигининг ошиши сезиларсиз даражада бўлиб, барча даврларда 1,01-1,02 мартани ташкил қилган.

Сурункали нур касаллиги таъсиридаги оқ каламушлар гуруҳида, назорат гуруҳи билан таққосланганда, ЛТ лар чегара соҳаси кенглигининг энг кўп уч ойлик даврда 1,28 марта, энг кам ўн икки ойлик даврда 1,02 марта камайиши аниқланган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф препаратини нурланиш вақтида қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида ЛТ лар чегара соҳаси кенглиги энг кўп уч ойлик даврда 1,1 марта, 0,1 мл миқдордаги АСД-2Ф ни нурланишдан кейин қабул қилган гуруҳида эса олти ойликда 1,03 марта ошиши кузатилган.

Нурлантирилган оқ каламушлар гуруҳида ЛТ лар периартериал соҳаси кенглиги уч ойлик даврда энг кўп - 1,42 марта камайиши аниқланган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини нурланиш билан бир вақтда қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида, нурлантирилган гуруҳ билан таққосланганда, ушбу кўрсаткич уч ойлик даврда энг кўп - 1,13 марта, қолган даврларда эса 1,03-1,08 марта ошиши кузатилган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф ни нурланишдан кейин қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида ушбу кўрсаткич сезиларсиз даражада ошди ва барча даврларда 1,01-1,03 мартани ташкил қилган.

Сурункали нур касаллиги таъсиридаги оқ каламушлар гуруҳида, соғлом каламушлар гуруҳи билан таққосланганда, кўпайиш марказига эга бўлмаган ЛТ даги лимфоцитлар умумий сони уч ойлик даврда энг кўп -1,35 марта, қолган даврларда 1,02-1,07 марта камайиши аниқланган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини нурланиш вақтида қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида, нурлантирилган оқ каламушлар гуруҳи билан таққосланганда, уч ойлик даврда энг кўп - 1,12 марта, қолган даврларда 1,02-1,07 марта ошиши кузатилган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф ни нурланишдан кейин қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида эса бу кўрсаткичнинг ошиши сезиларсиз даражада бўлиб, барча даврда 1,01-1,04 мартани ташкил қилган.

Нурлантирилган оқ каламушлар гуруҳида, назорат гуруҳи билан таққосланганда, периартериал лимфатик муфтлардаги лимфоцитларнинг умумий сони уч ойлик даврда энг кўп - 1,34 марта, ўн икки ойлик даврда энг кам - 1,02 марта камайиши кузатилган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф биостимуляторини нурланиш вақтида қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида,

нурлантирилган каламушлар гуруҳи билан таққосланганда, ПАЛМ даги лимфоцитларнинг умумий сони уч ойлик даврда энг кўп (1,12 марта), қолган даврларда 1,02-1,07 марта ошиши аниқланган. 0,1 мл миқдорда АСД-2Ф ни нурланишдан кейин қабул қилган оқ каламушлар гуруҳида эса ушбу кўрсаткич барча даврларда сезиларсиз даражада - 1,01-1,03 марта ошган.

Тадқиқотда олинган натижаларга кўра, сурункали нурланиш талоқ оқ пульпаси ва унинг барча таркибий қисмларига ҳалокатли таъсир кўрсатган. Шунга асосланиб, радиацион омилнинг талоқ лимфоид тузилмаларига салбий таъсири натижасида, организмда иммунтанқислик ҳолатларининг шаклланиши ва ривожланишини тахмин қилиш мумкин.

Сурункали нур касаллигида АСД-2Ф биостимуляторини қўллаш, каламушлар талоғи лимфоид тузилмаларида, самарадорлиги тажриба ҳайвонларининг ёши ва препаратни қўлланиш даврига боғлиқ ҳолда намоён бўлувчи ўзгаришларга олиб келган. Бу, айниқса, оқ каламушларнинг ёш ва етуклик даврларида, талоқ оқ пульпаси улушининг, ПАЛМ, ЛТ, КМ лари диаметрлари, ПАЛМ ва ЛТ лардаги ҳужайралар сонининг ошиши ҳисобига кўпайиши билан намоён бўлган. 0,1 мл миқдордаги АСД-2Ф биостимуляторини сурункали нурланиш билан бир вақтда қўллаш, 0,1 мл миқдордаги АСД-2Ф ни нурланишдан кейин қўллашдан кўра, талоқнинг функционал фаолиятига самарали таъсир кўрсатган.

Шундай қилиб, АСД-2Ф биостимуляторини зотсиз оқ каламушларда, сурункали нур касаллигида қўллаш, талоқ оқ пульпаси морфологик ва морфометрик кўрсаткичларининг эрта қайта тикланишига олиб келган.

ХУЛОСАЛАР

«Сурункали нур касаллигида талоқ морфометрик кўрсаткичларининг кийёсий тавсифи ва биостимулятор таъсиридаги ўзгаришлари» мавзусида бажарилган диссертация тадқиқоти асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Янги туғилган оқ каламушларнинг талоғи функционал етук эмас, лимфатик тугунчалар тўлиқ шаклланмаган, уларда барча соҳаларни фарқлаш қийин, кўпайиш марказлари аниқланмайди. Олти ойлик давргача талоқ энг юқори иммун фаолликка эга бўлиб, кўпайиш марказига эга лимфатик тугунчалар миқдорининг кўплиги, уларда ва периартериал лимфатик муфталарда лимфоцитлар сонининг юқорилиги билан намоён бўлади. Тўққиз ойлик даврдан бошлаб, талоқда бириктирувчи тўқима элементлари миқдорининг ошиши, лимфатик тугунчаларда кўпайиш марказларини, периартериал лимфатик муфталар ва кўпайиш марказларига эга бўлмаган лимфатик тугунчаларда лимфоцитлар умумий сонининг камайиши билан таснифланувчи инволютив ўзгаришлар кузатилади.

2. Сурункали нур касаллигида талоқ анатомик кўрсаткичларининг ўсиш суръати секинлашади, АСД-2Ф биостимуляторини қўллаш натижасида эса сурункали нурланишнинг зарарли таъсири камайиб, морфометрик кўрсаткичлар меъёрий қийматларга яқинлашиши билан ифодаланади.

3. Сурункали нур касаллигида талоқ оқ пульпаси нисбий майдонининг камайиши кузатилади. Бу, айниқса, уч ($14,6\pm 0,39\%$) ва олти ойлик даврда ($16,97\pm 0,66\%$) яққол намоён бўлиб, назорат гуруҳи билан таққосланганда, мос ҳолда 1,52 ва 1,21 марта камаяди. Нурланиш вақтида биостимулятор билан коррекция қилиш ушбу кўрсаткичларни мос ҳолда $17,81\pm 0,44\%$ ва $18,84\pm 0,42\%$ га ошишига олиб келади.

4. Сурункали нур касаллигида талоқ оқ пульпаси лимфатик тугунчалари ва периаартериал лимфатик муфталари диаметрининг камайиши аниқланади. Уч ойлик даврда нурлантирилган оқ каламушлар талоғи лимфатик тугунчаларида кўпайиш марказлари мавжуд эмас. Назорат гуруҳи билан таққосланганда, ушбу кўрсаткич олти ойлик ($106,09\pm 2,44$) даврда 1,28 марта, қолган ёшларда эса 1,03-1,06 марта камаяди. Биостимулятор, қўлланиш даври ва таъсир давомийлигига боғлиқ ҳолда, ушбу кўрсаткичлар қийматининг ошишига ёрдам беради.

5. Сурункали нурланиш касаллигида оқ каламушлар талоғи лимфатик тугунчаларининг мантия, чегара ва периаартериал соҳалари кенглиги камаяди. АСД-2Ф биостимуляторини қўллаш натижасида ушбу соҳалар ўлчамларини ошиши ва меъёрий қийматларга яқинлашиши кузатилади.

6. Нурлантирилган оқ каламушлар талоғи кўпайиш марказига эга бўлмаган лимфоид тугунчалар ва периаартериал лимфатик муфталардаги лимфоцитларнинг умумий сони, назорат гуруҳи билан таққосланганда, уч ойлик даврда мос ҳолда 1,35 ва 1,34 марта, олти ойлик даврда эса мос ҳолда 1,07 ва 1,08 марта камаяди. 0,1 мл миқдордаги АСД-2Ф биостимулятори талоқ оқ пульпасининг ушбу тузилмаларидаги ҳужайралар миқдорига ижобий таъсир кўрсатади. Бу лимфоцитлар сонининг ошиши билан намоён бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ТУРДИЕВ МАШРАБ РУСТАМОВИЧ

**СРАВНИТЕЛЬНАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ
ПАРАМЕТРОВ СЕЛЕЗЕНКИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ЛУЧЕВОЙ
БОЛЕЗНИ И КОРРЕКЦИЯ БИОСТИМУЛЯТОРОМ В
ПОСТНАТАЛЬНОМ ОНТОГЕНЕЗЕ**

14.00.02 - Морфология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

Бухара 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Tib1132

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.bsmi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Тешаев Шухрат Жумаевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Удочкина Лариса Альбертовна
доктор медицинских наук, профессор
(Российская Федерация)

Расулов Хамидулла Абдуллаевич
доктор медицинских наук

Ведущее учреждение:

Университет Павла Йозефа Шафарика
(Словакия)

Защита диссертации состоится «28» декабря 2020 г. в 12³⁰ часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 013). Адрес: 200118, г. Бухара, улица А.Наваи, 1, Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Автореферат диссертации разослан «16» декабря 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 27 от «16» декабря 2020 года)



А.Ш. Иноятов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Д.Н. Ачилова

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам

Н.А. Нуралиев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Невозможно представить защиту живого организма без иммунной системы. У людей и животных иммунная система обеспечивает адаптивность организма и защиту от воздействия различных патогенных факторов. В последние годы в мире наблюдается рост числа заболеваний, связанных с повреждением иммунной системы «...в настоящее время не вызывает сомнения тот факт, что уровень иммунологической реактивности организма в значительной степени определяет течение и исход многих заболеваний. Состояние здоровья современного общества в целом характеризуется снижением иммунологической реактивности и, как следствие, увеличением числа острых и хронических заболеваний...»¹. Радиация играет особую роль в возникновении и развитии этих заболеваний. «...высокая радиочувствительность иммунной системы, а также стойкость во времени и даже необратимость некоторых пострадиационных изменений иммунитета способствуют развитию отдалённых последствий облучения, основным клиническим проявлением которого являются различные формы иммунодефицита...»². Тем не менее производство, переработка и использование углеводов и радиоактивных веществ увеличивается день ото дня. «...развитие ядерной энергетики, широкое применение источников ионизирующей радиации в промышленности, сельском хозяйстве и науке, возрастающее их внедрение в сферу обслуживания населения, использование разнообразных источников ионизирующей радиации в медицине – все это в определенной степени увеличивает уровень лучевого воздействия на людей...»³.

В мире проводится ряд научных исследований по оценке изменения морфологических и морфометрических параметров селезенки под влиянием хронической лучевой болезни и биостимуляторов. В связи с этим обоснование морфологических и морфометрических показателей селезенки белых крыс в постнатальном онтогенезе в возрастном аспекте в норме, хронической лучевой болезни и при воздействии биостимулятора; сравнение морфометрических показателей лимфоидных структур селезенки при хронической лучевой болезни с показателями здоровых белых крыс; применение биостимулятора АСД-2Ф при хронической лучевой болезни требует изучения морфологических и морфометрических изменений, происходящих в селезенке белых крыс. Особенности возрастной динамики изменений

¹Бибик Е.Ю., Брест А.Ю. Современные представления о морфогенезе первичного лимфоидного органа. // Український морфологічний альманах. – 2011. – Том 9, № 3. – С.43–46.

²Узбеков Д.Е. и соавт. Влияние радиационного излучения на иммунную систему (обзор литературы) // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. – № 8-4. – С. 538-541.

³Цой Р.Т., Туруспекова С.Т., Цой О.В. Современный взгляд на вопрос о влиянии природного радиационного фона на когнитивные функции человека. // Медицина (Алматы). –2018. – № 2 (188). – С. 39–45.

органометрических показателей селезенки в норме и под влиянием хронической лучевой болезни и при коррекции биостимулятором, при хронической лучевой болезни и при использовании биостимулятора АСД-2Ф в различных вариантах, сравнение морфологических и морфометрических изменений структуры селезенки белых крыс имеет особое значение.

